

2010 йил 24 июнь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 122 (11.683)

Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Самарқандда Баркамол авлод йили муносабати билан ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчи-ёшлари, ҳаваскор санъаткорлар ва фольклор жамоалари ўртасида ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари ўқувчи-ёшлари ўз иқтидорларини намойиш этишди.**

**• Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда Термиз ахборот технологиялари ва маиший касб-ҳунар коллежида «Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш» мавзуида ташкил этган семинарда бу борада Сурхондарё вилоятида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.**

**• Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги Мойариқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги кутубхоналарда Ўзбекистон Мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган китоб кўргазмалари очилди.**

**• Қуйи Чирчиқ туманида паррандачиликка ихтисослашган «Сергели парранда» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Қарийб 600 минг АҚШ долларилик хорижий технологиялар билан жиҳозланган корхонада 20 та янги иш ўрни яратилди ҳамда ички бозорда кунига 80 минг донага яқин тухум етказиб бериш имконияти юзага келди.**

**• «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм вилояти филиали кўчма алоқа бўлими ташкил этди. Натижада олис қишлоқлар аҳолисига намунали почта хизмати кўрсатиш имконияти яратилди, даврий нашрлар ҳам ўз вақтида етказиб берилмоқда.**

**• Урганч шаҳрида мини-технологиялар ва ихчам ускуналарнинг V Халқаро ихтисослаштирилган минтақавий «Хоразм, Агроминитех, Экспо — 2010» кўргазмаси бўлиб ўтди. Икки кун давом этган кўргазма-савдода жаҳоннинг 20 та мамлакатидан 50 дан ортиқ компания ва корпорациялар ўзларининг технологиялари билан иштирок этишди.**

**• Жиззах шаҳридаги «Ёшлар марказида» «Мафтункор ранглар олами» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

**• Жиззах вилояти Бахмал туманидаги «Сарой» фуқаролар йиғинида янги маҳалла гузари фойдаланишга топширилди. Микрокредитбанк вилоят филиалининг молиявий қўллаб-қувватлаши остида «Темурбек» хусусий фирмаси томонидан бунёд этилган гузар қишлоқ қиёфасига янада кўрк бағишлади. Маҳалла марказидан дўконлар ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталари билан бир қаторда маҳалла фуқаролар йиғини учун хоналар ва милиция таянч пункти ҳам ўрин олган.**

### ЖАҲОНДА

**• АҚШ Президенти Барак Обама Афғонистондаги бирлашган қўшинлар қўмондони генерал Стенли Макристалнинг истеъфосини қабул қилди. Унинг ўрнига АҚШнинг энг тажрибали ҳарбийларидан бири генерал Дэвид Петреус фаолият кўрсатадиган бўлди.**

**• Кеча Мексика кўрфазидаги шикастланган нефть қувуридаги носозликларни бартараф этиш чоғида икки киши ҳаётдан кўз юмди. Шунингдек, тегишли сабабларга кўра бу ерда нефть сизиб чиқишининг олдини олиш бўйича амалий ишлар олиб бораётган Буюк Британиянинг «Бритиш петролеум» компаниясининг ижрочи директори ҳам ўзгарди.**

**• Кеча Парижда Франция терма жамоасининг Жанубий Африка Республикасида давом этаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатидаги ўта муваффақиятсиз иштироки муҳокамаси юзасидан ҳукумат мажлиси ўтказилди.**

**• Ямайкада гиёванд моддалар савдоси билан шуғулланиб келган таниқли жиноятчи Кристофер Коук қўлга олинди. Таъкидлаш жоизки, жиноятчи яширинган Тиволи-гарденс туманида унинг тарафдорлари ва полиция ходимлари ўртасида рўй берган отишмалар чоғида 73 киши ҳалок бўлди.**

**• Россиянинг Ставрополь ўлкасида бир неча соат давомида муттасил ёққан жала катта талафотларни келтириб чиқарди. Кучли ёмғир оқибатида Шведино аҳоли яшаш пунктида 80 га яқин турар жой биносига жиддий зарар етган. Ҳудуднинг баъзи жойларида сувнинг баландлиги ҳатто 1,5 метрни ташкил қилган. Шунингдек, 200 киши бошпанасиз қолган.**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 декабрда қабул қилинган «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида экспорт-импорт операцияларни амалга оширишда бозор принциплари ва механизмларини янада чуқурлаштириш, корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириш, бу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш вазифаси белгиланган.**

## КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

Пойтахтимизда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи давом этмоқда. Унда мамлакатимиз саноатининг асосий тармоқлари ва кичик бизнес корхоналари ишлаб чиқариш секторлари бўйича ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

"Ўзэкспомарказ"да очилган яна бир ярмаркада коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш саноати корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Ярмаркада ишлаб чиқариш янгиликлари, ўзлаштирилиши режалаштирилаётган, шунингдек, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар ҳамда кўплаб бошқа янгиликлар билан танишиш мумкин.

Ярмарка стендларида намойиш этилаётган товар ва буюмларнинг ўзига хос хусусияти - уларнинг хилма-хиллиги ва нархининг арзонлигидир. Бу ерда мамлакатимиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган, жумладан, экспорт қилинаётган товарлар, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва кооперация алоқаларини кенгайтириш асосида ўзлаштириш учун истиқболли маҳсулотлар билан танишиш мумкин.

"Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси корхоналари ўзаро манфаатли ҳамкорлик имкониятларини амалга ошириш, тармоқлар ичида ва тармоқлараро саноат кооперациясини кучайтириш мақсадида ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*

**Кўркам ва салобатли биноларимизнинг қад ростлашида, уларнинг мустаҳкамлиги ҳамда узоқ муддат хизмат кўрсатишида сифатли, замонавий қурилиш ашёларининг ўрни катта.**

**Иқтисодиёт**

## БУНЁДКОРЛИКДА ҚЎЛ КЕЛАДИ

Айни пайтда илғор технологияларни қўллаган ҳолда маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилаётган ана шундай қурилиш материаллари импорт ўрнини босиб, бунёдкорларимиз меҳнатини енгиллаштирмоқда.

«XORIJQURILISH TEXNOLOGIYA» масъулияти чекланган жамияти янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этаётган корхоналардан бўлиб, унинг республикамиз бозорида ўзига хос ўрни бор.

Корхонада немис технологиясини қўллаган ҳолда тайёрланаётган пенобетон, пеноблок, пеноконцентрат ва қуруқ аралашмалар ўзининг бир қатор афзаллиги билан ажралиб туради. Улардан биноларнинг деворларини тиклашда фойдаланилиб, мазкур қурилиш ашёси енгиллиги, экологик тозалиги, иссиқни сақлаши, шовқин ўтказмаслиги билан афзал ҳисобланади.

Шунингдек, корхона мутахассислари изланишлари асосида яратилган кичик пенобетон ишлаб чиқариш ускунаси сертификатга эга бўлиб, ўз бизнесини ташкил этишни истовчи тадбиркорларга қўл келади. У ўзининг ихчамлиги, ишлаб чиқариш қуввати юқорилиги билан ажралиб туради.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, корхонада тайёрланган пенобетон қурилиш ашёсидан пойтахтимиз ва мамлакатимиз вилоятларидаги бунёдкорлик майдонларида унумли фойдаланилмоқда. Жумладан, шаҳримиз кўрки бўлган Олий Мажлис биноси, «FLAGMAN», «Эсидиёр» ресторанлари, кўплаб замонавий тўқимачилик комбинатларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Буюртмага кўра пенобетон маҳсулоти турли ҳажмда тайёрлаб берилади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**Ўзбекистон – хорижликлар нигоҳида**

## ГЎЗАЛ ВА МУҚАДДАС ЗАМИН ТААССУРОТЛАРИ

**Изчил амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари шаҳар-қишлоқларимиз чиройига чирой қўшмоқда. Хусусан, Тошкентнинг тароватИ, муҳташам иншоотлари, хушманзара табиати ва сўлим гўшалари хорижий сайёҳларни кенг жалб этмоқда. Пойтахтимиз кўчаларида кўплаб чет элликларни учратиш мумкин. ЎзА мухбирлари улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.**

**Чёнг МИНЬ (Хитой):**

– Дунё аҳли Ўзбекистонни илм-фан ривожига беқиёс ҳисса қўшган алломалар юрти деб билади. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон азалдан Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо, маданият, илм-фан соҳаларидаги алоқаларни кенгайтиришда муҳим ўрин эгаллаб келган.

Саёҳатим давомида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити доирасида ўтказилган «Буюк Ипак йўли – тинчлик йўлида саёҳат» мавзуидаги кўргазмада иштирок этишга муяссар бўлдим. Бу йирик кўргазмада кўплаб ҳамюртларимнинг ижодий ишлари намойиш этилаётганини кўриб жуда қувондим. Ўзбекистонлик мусаввирларнинг асарларини кўздан кечириб, юртингизда тасвирий санъат гуркираб ривожланаётганига амин бўлдим.

Пойтахтингизнинг кўплаб диққатга сазовор жойларида бўлдим. Менга, айниқса, унинг музейлари жуда ёқди.

**Вольф АДЕРМАНН (Австрия):**

– Пойтахтингизнинг тароватИ, ўзига хос табиати, замонавий ва миллий меъморий анъаналарни ўзида мужассам этган муҳташам бинолар ҳар қандай кишини ҳайратда қолдиради.

Юртингизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Ўзбекистон янада равнақ топиб, халқ фаровонлиги муттасил юксалишига хизмат қилмоқда. Тошкентга хизмат юзасидан кўп келаман. Ҳар гал Ўзбекистон таниб бўлмас даражада ўзгариб, янги чирой кашф этганига гувоҳ бўламан.

Иқтисодчи сифатида ривожланишнинг «ўзбек модели» жуда оқилона ишлаб чиқилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Унинг нечоғли асосли ва тўғри экани глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида янада яққол намоён бўлди.

**Мустафо АЛИ (Миср):**

– Ўзбекистон қадимий ёдгорликлар, муқаддас зиёратгоҳлар ва тарихий обидаларга бойлиги билан ҳам машҳур. Мамлакатингизга саёҳатим асносида ана шундай муқаддас зиёратгоҳлар ва гўзал гўшаларда бўлдим.

Ўзбекистон санъати юксак даражада ривожланган экан. Ўзбек мумтоз куй-қўшиқлари, жозибадор рақслари ҳар қандай кишини мафтун этади. Ўзбек хонандаларининг қўшиқлари ёзилган дисклар харид қилдим.

Тошкент бозорлари гавжум ва тўкин-сочинлиги, қайноқ ҳаёти, орастаю озодалиги билан эътиборни тортади. Бозор мамлакат тараққиётининг кўзгусидир. Энг муҳими, Аллоҳ назари тушган бу гўзал ва муқаддас заминда осойишталик ҳукм сурмоқда. Юртингиздаги тинчлик ва осойишталикка ҳавас қилса арзийди.

**Аймоне МАРКОНИ (Италия):**

– Бир неча кундан буён мафтункор Тошкентни томоша қилиб, унинг гўзал манзараларидан баҳра олиб юрибман. Бу азим шаҳарда мароқли дам олиш учун ҳамма шароит бор. Музей ва галереялар эстетик завқ беради, шинам қаҳвахоналардаги шарқона мулозамат киши баҳри дилини очади. Темурийлар тарихи давлат музейидаги экспонатларни кўздан кечириб, тарихингиз ҳақида тасаввурим янада бойиди.

**Мадина УМАРОВА,**
**Ирода УМАРОВА**
**ёзиб олди**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани уюштирилди. Тадбир Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** онкология илмий марказида тиббиёт соҳаси мутахассислари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда саратон касалликларини даволашнинг самарали усуллари юзасидан фикр алмашилди.

✓ **ҲАМЗА** туман ҳокимлигида фаоллар, тадбиркорлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида тадбиркорликни янада ривожлантиришнинг аҳамиятига бағишланган тадбир ўтказилди.

✓ **УЧТЕПА** туманидаги Журжоний номли маҳаллада ҳуқуқ-тартибот органлари ташаббуси билан одам савдосига қарши кураш масаласига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

# КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Мамлакатимизда қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, энергия тежайдиган ва экологик хавфсиз технологияларни жорий этиш, экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 июнда қабул қилинган "2007-2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги Қарори белгиланган мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатда юқори технологиялар ва замонавий бошқарув тизимларини қўллаш асосида ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси ҳамда самарадорлигини ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Дастурда цемент, гипс, сопол кошинлар, ойна, деворбоп материаллар ишлаб чиқарадиган йирик корхоналарни модернизация қилиш кўзда тутилган. Фаолият кўрсатаётган корхоналарни реконструкция ва модернизация қилиш, маблағларни оқилона тақсимлашга доир кўрилган чора-тадбирлар сўнгги пайтларда ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 10-12 фоиз ошириш имконини бермоқда.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, мамлакатимиз саноат комплексининг бошқа тармоқлари билан кооперация алоқаларини ривожлантириш асосида импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда республикамиз корхоналари ўттиз турдан ортиқ замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. 2010 йилда "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси корхоналари томонидан 39 шартнома имзоланди.

2011 йилда тармоқлараро кооперация доирасида қиймати 35 миллиард сўмдан ортиқ машинасозлик, кабель маҳсулотлари, кимё хомашёси, материаллар ва ускуналарни харид қилиш учун шартномалар имзолаш кўзда тутилган.

"Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси, ўз навбатида, олтин қазиб оладиган, нефть-газ ва бошқа саноат ҳамда қурилиш тармоғи корхоналари учун қурилиш материаллари, жумладан, цемент, шифер, ойна ва ундан тайёрланган буюмлар, сопол кошинлар, қуруқ қурилиш аралашмалари, гипс буюмлари, гипсокартон, бўёқ ва бошқа қурилиш материалларини етказиб беради.

Бундан ташқари, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси бўлинмаларида, хусусан, "Қуюв-механика заводи" шўъба корхонасида ҳам ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Қуюв-механика заводи юк ташиш вагонлари, цемент ва минерал ташийдиган цистерналарни таъмирлаш ҳамда модернизация қилишга ихтисослашган. Маҳаллийлаштириш дастури бўйича бу ерда янги вагонлар, чўян қуйиш, паровоз ва вагонлар ҳамда темир йўл қурилиши учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Завод бошқа тармоқларни ҳам ўз маҳсулотлари билан таъминламоқда. Чунончи, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тузилмалари учун насослар эҳтиёт қисмлари, металл конструкциялар, сувни очиб-ёпадиган арматура, юк кўтариш механизмлари ва кранлар етказиб берилмоқда.

Заводнинг ўз конструкторлик-технологик бюроси, конструкцияларнинг чўзилувчанлиги ва қисқарувчанлигини синаб кўриш учун зарур ускуналари ҳамда стендлари мавжуд. Завод ташкил этилган 2003 йилдан буён бу ерда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги технологияларни амалиётга жорий этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Цехларни замонавий ускуналар билан комплекс жиҳозлаш юқори сифатли ва кенг турдаги товарлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

Завод корпусларида йил давомида 100 дан ортиқ юк вагони ва 100 ёпиқ вагон ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, бу ерда нефть ва кимё маҳсулотлари учун мўлжалланган цистерналар, ярим вагонлар ва ёпиқ юк вагонлари капитал таъмирланмоқда, модернизация қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг узоқ вақт хизмат қилишини таъминлайди. 2006 йилдан буён корхонада 9001-2000 менежмент сифати тизими жорий этилиб, самарали қўлланилмоқда.

Мармар ва гранитдан кошинлар ҳамда шаклли буюмлар тайёрлашни йўлга қўйган "Osiyo granit" корхонаси, 50 йил кафолати билан металл черепица ва тўшамалар таклиф этаётган "Desk-invest" Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси, шиша банкалар, бутилкалар, бугунги кунда қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинаётган автомобиллар учун қорайтирилган ойналар ишлаб чиқараётган «Кварц» акциядорлик жамияти, харидоргир сув иситиш қозонлари, автоматлаштирилган газ тақсимлаш станциялари ва газни бошқариш пунктларини ишлаб чиқарадиган «Ангренгазмаш» масъулияти чекланган жамияти маҳаллийлаштириш самарадорлигини яққол намойиш этмоқда.

Ярмарка доирасида корхоналар тақдимоти ҳам бўлиб ўтади. Тақдимотда ҳамкорлар янги турдаги товарларни ўзлаштириш учун кооперация алоқаларини йўлга қўйиши, ишлаб чиқариш учун хомашё ва материаллар, ишлаб чиқариш-техник йўналишдаги бутловчи қисмлар ҳамда тайёр буюмларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузиши мумкин. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ҳар йили ўтказилиши, шубҳасиз, саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмини кўпайтиришга хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, импорт ҳажмини сезиларли равишда камайтириш имконини беради.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

Таълим

## БУЮК КЕЛАЖАК САРИ

**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида «Баркамол авлод — буюк келажак» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.Комилов, Республика маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Б.Аҳмедов ва бошқалар сўзга чиқиб, спортнинг ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашдаги ўрни, шахс тафаккурини шакллантиришдаги аҳамияти, болалар спортини ривожлантиришнинг ташкилий, илмий ва услубий асослари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

— Келажаги порлоқ, истиқболи ёрқин ёшларимизни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашда, қолаверса мамлакатимизнинг халқаро майдонда танилишида ҳам спортнинг алоҳида ўрни бор, — дейди Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти проректори Нодир Ғаффоров. — Айнан иқтидорли фарзандларимиз ўз маҳорату эпчиллиги билан жаҳон ҳамжамияти нигоҳида ёрқин из қолдирмоқда. Уларнинг қўлга киритаётган ютуқлари ҳар қандай таҳсинга сазовор. Кундан-кунга ривожланиб, илдиз отиб бораётган болалар спорти ҳам бугунги кунда ўз мавқеи ва ўрнига эга. Биз ёш спортчиларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир ғалаба ортида устозларнинг, спорт усталарининг машаққатли, шу билан бирга шарафли меҳнати мужассам. Илмий-амалий анжуманда ҳам болалар спортини ривожлантиришнинг долзарб масалалари ўртага ташланди. Умид қиламизки, юртимиз ёшларининг ҳар бир ташлаётган қадами келажакда зафар ва ютуқларга бой бўлади.

## АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

**Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида ўтказилган илмий-амалий, бадиий-ижодий анжуман шу мавзуга бағишланди.**

Тадбирда институтнинг профессор ўқитувчиларидан С.Йўлдошева «Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни», Қ.Нишонбоева «Шахснинг маънавий камолоти», маънавият-маърифат ишлари бўйича бўлим бошлиғи Ш.Мақсудова «Кийинишнинг саломатликка таъсири», И.Эргашева «Аёл руҳиятининг бадиий инъикоси», Мирзо Улуғбек тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш.Исамуҳамедова «Оналар сиймосида улкан муҳаббат» мавзуларида сўзга чиқдилар.

Анжуман давомида хотин-қизларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни, қизлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни оилага тайёрлаш, қадриятларимизни эъзозлаш, ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилиш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир сўнгида талаба қизлар томонидан намойиш этилган саҳна кўринишлари барчага манзур бўлди.

## МИЛЛАТ ТАЯНЧИ

**Тошкент Архитектура ва қурилиш институтида «Ёшлар — миллат таянчи» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда юрт эртаси, келажак эгаси бўлмиш ёшларни ҳар томонлама комил инсон, ўз салоҳияти ва билимига таяниб, мустақил фикр юритишга қодир этиб тарбиялаш масалалари муҳокама қилинди.**

— Талабаларимизни малакали кадр этиб тайёрлаш борасида институтимиз миқёсида олиб борилаётган ўқув ва амалиёт ишлари яхши йўлга қўйилган. Мамлакатимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ҳар бир ишда ёшларимизнинг ўз ўрни бор ва биз бу билан фахрланамиз, — дейди институтнинг биринчи проректори Рихсивой Юсупов. — Мақсадимиз — ҳар бир талабани келажакда ўз касбининг моҳир устаси, изланувчан, интилувчан, Ватанига содиқ инсон сифатида хизмат қилишига эришишдир. Бугун улар яратишга ҳаракат қилаётган турли қурилиш дизайнлари, кўплаб қизиқарли лойиҳалар келажакда, албатта ўз мевасини беради.

Тадбир доирасида битирувчи курс талабалари томонидан тайёрланган бунёдкорлик лойиҳалари кўргазмаси ташкил этилди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**





Ёз-2010

## БИЛИМДОНЛАР КЎРИГИ

**Яқинда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлигида «Камолот» ЁИҲ, Қизил Ярим Ой жамияти, «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти Собир Раҳимов тумани бўлимлари шаҳарча бўлими ҳамкорлигида болажонларнинг ёзги таътилини мазмунли ўтказиши учун мўлжалланган «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида «Камолот»нинг баркамол авлоди» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.**

Айтиб ўтиш жоизки, мазкур лойиҳага асосан шаҳарча ҳудудидаги тўққизта маҳаллада истиқомат қилувчи 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўсмирларга спорт, рақс, инглиз ва рус тиллари, тикувчилик, пазандалик тўгараклари, компьютер саводхонлиги курслари ёз мавсуми давомида бепул хизмат кўрсатади. «Шаҳрим бўйлаб саёҳат» акциясига кўра болалар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан таништирилади.

«Камолот»нинг баркамол авлоди» тадбирида, айниқса «Зиё» маҳалласи ўғил-қизлари ўзларининг зукколигини намойиш этишди. Моҳинур Муҳаммаджонова ҳиндча рақсга тушиб, барчанинг кўнглига хуш кайфият улашди. Шириной Убайдуллаевага миллий рақс ижроси бўйича тенг келадигани топилмади. Сўнг ёшлар гуруҳ-гуруҳга бўлиниб, ҳар хил мусобақалар ўтказишди. Улар савол-жавобларда ҳам фаол қатнашиб, қанчалик чаққон ва билимли эканлигини кўрсатишди.

**Низомиддин БОЗОРОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси**

Танловлар

## КАСБ МАҲОРАТИ НАМОЙИШИ

**Таълим тизимининг дастлабки бўғини — мактабгача таълим муассасасининг вазифаси болаларни соғлом, билимли қилиб мактабга тайёрлашдан иборат. Бу вазифанинг тўлақонли амалга оширилиши педагогларнинг ҳар жиҳатдан ташаббускор, изланувчан бўлишини талаб этади.**

Айтиш жоизки, педагог кадрлар салоҳиятини оширишда уларнинг ўз устида ишлаши алоҳида аҳамият касб этади. Мактабгача таълим муассасалари педагоглари илк ёш гуруҳ тарбиячилари услубий бирлашмасига қамраб олинган бўлиб, ушбу тузилма 2003 йилдан буён фаолият кўрсатади.

Яқинда Юнусобод туманидаги 47-мактабгача таълим муассасасида шундай гуруҳ тарбиячилари ўртасида «Касбим — фахрим» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Иштирокчилар танишув-тезкор саволлар, пиктограмма, турли хил чиқинди буюмлардан нарса ясаш, газета нашр этиш шартлари бўйича беллашиб, касбига бўлган садоқати, билим ва малакаси, зукколигини намоён этишди. Уларнинг мусиқали чиқишлари эса тадбирга янада файз киритди.

— Педагоглар касб маҳоратини оширишда бу каби танловларнинг аҳамияти катта, албатта. Қолаверса, бундай беллашувларни ўзаро тажриба алмашиш, малака ошириш мактаби, десак ҳам адашмаймиз, — деди шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти доценти Зуҳра Файзиева.

Танлов натижаларига кўра «Болажон», «Поклик» ва «Юлдузлар» гуруҳлари совриндор деб топилиб, ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

**Дилором ИКРОМОВА**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

**Ўзбекистон давлат консерваториясида иқтидорли қизлар анжумани бўлиб ўтди.**

Анжуманлар

## ЧЕВАР ҚИЗЛАР

Тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда фан, маданият, санъат, таълим соҳаси вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, «Ниҳол» мукофоти, нуфузли давлат стипендиялари совриндорлари, «Келажак овози» танлови, спорт мусобақалари ва фан олимпиадалари ғолиблари иштирок этди.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қобилиятини рағбатлантириш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Ёш иқтидорларни кашф этиш, етакчи қизлар сафини кенгайтириш, улар орасида етук кадрларни шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар кўлами ҳам кенг. Мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик эса уларни янада ташаббускорликка ундаётир. Аёллар барча жабҳаларда ўз салоҳиятини намоён этиб, фаоллик кўрсатмоқда.

– Истиқлол йилларида ёш авлодни етук этиб тарбиялаш, истеъдодли қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – деди «Туркистон-пресс» мухбирига Беруний стипендияси совриндори Гулноза Анарова. – Эзгуислоҳотларнинг яна бир намунаси сифатида ўтказилган галдаги тадбир республикамизнинг турли ҳудудларидан келган иқтидор соҳибаларини бир жойга жамлади. Ҳар бир иштирокчи юртимизнинг эртанги куни масъулиятини ҳис қилган ҳолда фаолият олиб боришига ишонаман.

Тадбирда ёшлар илмий ишлари, ижодий асарлари билан ўртоқлашди. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчи қизлари томонидан яратилган тикувчилик намуналаридан иборат «Чеварим қизлар» кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА**

